



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 10 февраль, № 31 (8654)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЕТАКЧИЛАРИ «АМИРСОЙ» ТОҒ-ЧАНҒИ МАЖМУАСИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко «Амирсой» тоғ дам олиш масканига ташриф буюрдилар.

Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда давлат раҳбарлари маданий-гуманитар йўналишида, шу жумладан, спорт ва туризм соҳаларида фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар. Олий даражадаги учрашувлар якунида бошқа ҳужжатлар каторида 2024-2025 йилларда Спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича дастур ва Туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси имзоланган эди.

Бўстонлик туманидаги «Амирсой» тоғ дам олиш маскани шулар жумласидан. Охириги уч йилда бу ерга 4 миллионга яқин сайёҳлар келган.

Жаҳон даражасидаги ҳар мавсумга мос ушбу мажмуага ташриф давомиди давлат раҳбарлари спортчилар ва сайёҳлар учун яратилган шароитлар билан танишдилар, икки мамлакат ўртасидаги туризм алоқаларини кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Етакчилар самимий мулоқотни тоғ-чанғи трассасида давом эттириб, биргаликда чанғи учдилар.

Ў.а.

## ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ УЛУҒ СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги кенг нишонланмоқда.

9 февраль куни эрта тонгдан пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида сўз бўстонида муаззам чинори, беҳад гўзал ва сермазмун асарлари билан номини абадиятга муҳрлаган мутафаккир, адабиёт чаманининг улуг сиймоси Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбир муносабати билан зиёлилар, навоийшунослар, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар, адабиётшунос олимлар, шоир-ёзувчилар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари шоир ҳайкали пойида жам бўлди.

мондан янграётган мумтоз навоилар йиғилганларга хуш кайфият улашиб, улуг мутафаккир сўзини, ғояларини яна бир қарра англашга чорлади, десак, янглишмаймиз.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиздаги адабий ислохотларда Алишер Навоий асарларини ўрганиш, кенг тарғиб этиш ва хорижий тилларга таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, кейинги йиллар-

### Шуқуҳ

Адабиёт байрами аввалида ҳазрат Навоий ижодида оид ки-

тоблар кўрғазмаси ташкил қилинди. Хиёбон ичра ҳар то-



Видеолавҳада кўринг



### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА

Хорижий таҳлилчилар Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь саммити якунлари ҳақида.

Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг 7 — 9 февраль кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи икки давлатнинг кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустақамлашга интилишдан далолат беради, дея таъкидламоқда халқро экспертлар.

Жан-Антуан ДЮПРА, Европада прогнозлаш ва хавфсизлик институти эксперти, Ўзбекистон бўйича мутахассис (Франция):



— Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан буён оқиб ташқи сиёсат олиб борапти. Бу эса мамлакатга Марказий Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида тобора муҳим барқарорлаштирувчи геосийосий роль ўйнаш имконини бермоқда.

Давлатингиз етакчисининг тақлифига биноан Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Тошкентга расмий ташрифи Ўзбекистоннинг прагматик ташқи сиёсат олиб бораётганини намоён этади.

Икки давлат раҳбарлари ва делегациялар ўртасидаги музокара-

ларда давлатлараро муносабатларнинг барча йўналиши, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, шунингдек, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, келгуси йилларда бу кўрсаткични 1 млрд. доллардан ортироққа етказиш режалаштирилган.

Минтақавий ва глобал кун тартибига келсак, Ўзбекистон ва Беларусь минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантираётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон — Беларусь олий даражадаги учрашуви мустақамлаш ҳужжатлар тўпламининг имзоланиши билан яқинлашди, бу томонларнинг кўп қиррали шериклиги янада ривожлантиришга интилишдан далолат беради.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллагинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2024 йил 9 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллагинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Олий Мажлис

Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг ялпи мажлисида дастлаб “Камбағалликни қисқартиришда тад-

биркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш доирасида камбағалликни қисқартириш ҳамда кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, солиқ имтиёзлари ва преференциялар, хусусан, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш ҳамда пайсантирилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали тадбиркорлик субъектларини камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқ.



### Қисқа сатрларда

#### ОЛИМА АЁЛЛАР ФОРУМИ

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан “Ўзбекистон олима аёлларининг халқаро майдондаги ўрни” мавзусида форум ташкил этилди.

Унда фан ва техниканинг турли йўналишларида илмий тадқиқот олиб бораётган олима аёлларнинг амалга ошираётган илмий лойиҳалари натижалари ва халқаро даражадаги ютуқлари муҳокама марказида бўлди.

#### БУХОРО ВА БРЕСТ ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Беларусь Республикасининг Брест вилояти делегацияси “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида фаолият юритаётган корхоналар, шунингдек, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

Шунингдек, вилоят ҳокими билан учрашув орқали икки ҳудуд ўртасида инвестициявий, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни мустақамлаш ва алоқаларни чуқурлаштириш имкониятлари кўриб чиқилди.

#### НАВОИЙ МЕРОСИ — МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасида буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Анжуманда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини хар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

#### БУРСАДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Туркиянинг қадимий Бурса шаҳридаги Улудаг университетида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва маданияти марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда қайд этилганидек, ушбу марказ икки мамлакат ўртасидаги маданиятларни яқинлаштириш, таълим муассасаларининг ўзаро таъриба алмашишида муҳим ўрин тутди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

### Мулоқот

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов бошчилигидаги Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси Америка Қўшма Штатларига ташриф буюрди.

Мазкур ташриф АҚШ Конгресс кутубхонаси қошидаги парламент дипломатиясини ривожлантиришга ихтисослаштирилган “Очиқ дунё” етакчилик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Сенаторлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари АҚШ Конгрессидида америкалик ҳамкасблари билан икки томонлама учрашувлар ўтказди ҳамда Вайоминг штатида бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти билан танишди.

Мулоқотлар чоғида АҚШ томонига Ўзбекистонда инсон

хуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини, давлат бошқаруви шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, хусусий мулк ва хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Конгресс аъзолари Т. Келли, В. Гонсалес, К. Миллер билан бўлиб ўтган мулоқотда икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари

ҳамда “Ўзбекистон бўйича Кокус” доирасидаги ўзаро ҳамкорлик, жумладан, парламентларо алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат давомида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кўчатириш, АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг бошқа қўмиталари аъзоларини Кокус фаолиятига жалб этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, томонлар ихтисослаштирилган қўмиталар ва икки мамлакат парламентлари палаталари девонлари ўртасида ўзаро таъриба алмашиш орқали ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашди.

«Халқ сўзи».

### Эшитув

## ОМБУДСМАНИНГ ЎТГАН ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Парламент комиссияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, депутатлар ҳамда журналистлар иштирок этган йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламент комиссияси раиси А. Саидов йиғилишни очар экан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомил-

лаштириш, бу йўналишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган йилда Омбудсман ўз фаолиятини янги конституциявий қоидалар асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан

парламент назоратини амалга ошириш, соҳага оид миллий қўллаб-қувватлаш тизимий превентив механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган. Айниқса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга жиддий ёндашган.

Ҳисобот йилида Омбудсман номига 18 622 та мурожаат келиб тушган. Фуқаролар мурожаатлари асосида уларнинг манфаатларига 1847,2 млн. сўмлик маблағ ундирилган. Омбудсман қотибияти ходимлари эса фуқароларнинг мурожаатлари ва сўровлари асосида суд мажлисларида 249 марта кузатувчи сифатида иштирок этган.





# ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎЗARO МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА

**Дитрих ФЕТЧ,** «ESG Holding» компанияси ва директорлар ҳаммуассиси ва директорлар кенгаши аъзоси (Германия):

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтарilib, ҳамкорликда фойдаланилмаган захираларнинг кенг уфқларини очиб имконини берди.



батлар изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатлар халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, минтақаларо ва кўп томонлама платформаларда, жумладан, БМТ, МДХ, ШХТ, Қўшилмаслик ҳаракати доирасида самарали ҳамкорлик қиляпти. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги дўстона муносабатлар эса самарали давлатларро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиляпти.

Шунингдек, Беларусь Президентининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи чоғида товарларни электрон сертифицилаштириш, илмий-ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, маданият ва санъат, таълим каби муҳим йўналишларни қамраб олувчи мустақкам келишувлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлик изчил мустақкамланмоқда. Савдо айланмаси 2023 йил охирида 2022 йилдагига нисбатан 15 фоиз ошди.

Икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ўртасида иқтисодийнинг устувор тармоқларида алоқалар кенгайган. Фармацевтика, энгил ва озиқ-овқат sanoati, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда кўшма лойиҳалар амалга оширилди. Ишбилармон доиралар ва етакчи корхоналар ўртасидаги алоқалар ҳам мустақкамланмоқда.

Ташриф чоғида эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Беларусь анъанавий инфра-транспорти ривожлантириш баробарида янги транспорт-логистика йўналишларини яратиб, ташқи савдонинг диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш занжирларини тиклаш йўлини биргаликда излаш бўйича ҳамкорликда иш олиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

**Муҳаммад Толиб Бин Моҳаммад Ража МОҲАН,** Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Малайзиядаги Халқаро ишбилармонлик маркази бош ижрочи директори:

— Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали муносабатлари сифат жиҳатдан янги, юксак bosқичга кўтарилди. Хусусан, олий ва юқори даражадаги мулоқот фаоллашди. Ишбилармонлар кенгаши ва худудларо форум механизми йўлга қўйилди, икки мамлакатнинг етакчи корхоналари ўртасида иқтисодийнинг устувор тармоқларида алоқалар кенгайиб бормоқда.

Шу ўринда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қизиқарли тажрибага эътибор қаратмоқчиман. Кейинги йилларда кўшма корхоналар сони 4 баробар ортгани кувонарли. Бу, албатта, янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш ва уларни маҳаллийлаштириш, иш ўринлари яратиш, янги бозорларни ўзлаштиришни рағбатлантирмоқда.

Томонларнинг кўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги келишув ва Ўзбекистон Президентининг республикада “БелА3” русумли автомобилларни ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ташқи алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, энгил, озиқ-овқат ва электротехника sanoati, фармацевтика, шаҳарсозлик ва коммуникация соҳаларида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Мухтасар айтганда, ушбу ташриф ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигининг бутун спектрини янада кенгайтиришга хизмат қиляди.

**Гаурав ГУПТА,** Ҳиндистон Глобал савдо ва технологиялар кенгаши президенти:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида кўзга яққол ташланаётган жиҳат, бу амалий кўшма лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш ва ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижаларига эришиш бўйича қилинаётган тизимли саъй-ҳаракатлардир. Бу Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг халқаро сафарлари ва хорижий давлатлар раҳбарларининг Тошкентга ташрифлари чоғида изчил кузатишмоқда.

Беларусь Президенти ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг амалий мулоқотлари, худудлар, олий ўқув юртлири ректорлари, тиббиёт ходимлари форумлари ташкил этилган, қишлоқ хўжалиги, энгил, озиқ-овқат ва электротехника sanoati, фармацевтика, шаҳарсозлик, коммуникациялар ва бошқа ўзаро манфаатли йўналишлардаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинган ҳам ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари катта эътибор қаратилаётганидан далолат.

2023 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошган, сўнгги йилларда кўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайган ҳам эътиборга молик кўрсаткичлардир.

Пайшанба кунин Тошкентда имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами, жумладан, Ўзбекистон ва Беларусь худудлари иккинчи форуми якунида қиймати 1 млрд. доллاردан зиёд шартнома ва битимларга эришилгани икки давлат ўртасидаги муносабатларга янги мазмун бaxш этади ва амалий саъй-ҳаракатлар самардорлигининг юксалишига хизмат қиляди.

**Муҳаммад Якуб ШАЙХ,** Покистон Сенати аъзоси:

— Беларусь Президентининг Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, учрашувнинг биринчи кунинда икки давлат раҳбарлари “Нито Агепа” муз саройига ташриф буюриб, Тошкентнинг “Хумо” ва Остонанин “Номад” хоккей жамоалари ўртасидаги учрашувни томоша қилиш асносида самимий, дўстона ва норасмий руҳда мулоқот ўтказгани ҳам чуқур рамзий маънога эга ва улар ўртасидаги ишончли муносабатдан далолат беради.

Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарларининг диққат маркази давлатларро муносабатларни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган.

Беларусь Президентининг ташрифи доирасида Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги мажлиси, минтақалар форуми ва бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди, унинг натижасида умумий қиймати 1 млрд. доллاردан ортқ шартнома ва келишувлар имзоланди.

Музокаралар чоғида давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги, энгил, озиқ-овқат ва электротехника sanoati, фармацевтика, шаҳарсозлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарлари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини миллиард доллاردан ортқ даражага етказиш ва зифасини кўйдди.

Марказий Осиё ва МДХ давлатлари йўналишида фаолият юритувчи транспорт-логистика компанияси раҳбари сифатида мамлакат раҳбарларининг юк ташиш учун ўзаро қулай шарт-шароитлар яратиш ва юк ташиш йўналишида Жанубий Осиё бозорлари мультимодал коридорларини самарали фойдаланиш тўғрисидаги қарори мени жуда қувонтирди. Биз бу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз ва қўшилишга тайёризим.

— Ташрифни ҳар икки томон учун ҳам жуда муваффақиятли, деб талқин қилиш мумкин.

Бу икки давлат раҳбарларининг учрашуви қандай оҳангда ўтгани билан изоҳланади. Ўзбекистон ва Беларусь раҳбарлари ўртасида дўстона, ўта илиқ муносабатлар мавжудлиги яққол намоён бўлди.

Ташриф якунлари бўйича имзоланган келишув ва битимлар туризм, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорликдан тортиб, ишлаб чиқариш, энергетика, транспорт ва ҳокзо билан боғлиқ амалий масалаларга бўлган жуда кенг қамровга эга.

Ушбу чуқурлашиб бораётган шериклик бугунги қийин вазиятда жадал ривожланмоқда. Чунки иқтисодий ва бошқа соҳаларда халқаро рақобатнинг кучайиши ҳар қандай халқаро муносабатлар учун жуда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда Тошкент янги транспорт йўлакларини қуриш ва мустақкамлаш стратегиясини мақсадли равишда амалга оширяпти.

Аҳоли сони бўйича собиқ иттифоқ худудида амалда иккинчи давлатга айланган Ўзбекистон жадал сурьатлар билан минтақанин асосий транспорт марказига айланиб бормоқда. Тошкент иштирокисиз эса ҳеч қандай йирик жиддий лойиҳалар амалга оширилмайди.

**Карлығаш АШИРХАНОВА,** Халел Достмухаммедов номидаги Атирау университетининг халқаро алоқалар ва байналмиллаштириш бўлими бошлиғи:

— Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Беларусь етакчиларининг учрашуви, ҳақиқатан ҳам, замонавий геосиёсий динамика шароитида муҳим воқеадир. Мутахассисларнинг қайд этишича, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари йўлга қўйилгани нафақат иқтисодий, балки сиёсий нуктаи назардан ҳам муҳим кадам ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик динамикаси ва кўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ҳамда экспорт-импорт етказиб бериш қўллаб-қувватлаш механизми каби эришилган келишувлар фониди икки давлат ўзаро манфаатли шериклигини чуқурлаштиришга интилаётгани яққол намоён бўлмоқда. Ушбу одимлар дўстона муносабатларни мустақкамлашга, турли соҳалардаги келгуси ҳамкорлик учун мустақкам замин яратишга хизмат қиляди.

Умуман олганда, икки мамлакат Президентларининг учрашуви ўзаро манфаатли шериклигини чуқурлаштириш ва мустақкам алоқаларни ўрнатиш учун ноёб имконият яратди.

**“Дунё” АА.**

## ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

### ЎзЛиДеП



Президент Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Беларусь Республикаси Президентини Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Ботир Мардаев** Беларусь Республикаси озиқ-овқат, машинасозлик, электротехника sanoati, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал ривожланаётган мамлакатлардан бири эканини, ушбу ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар халқларини мушум фаровонлигининг янада яхшиланишига, умумий мақсадларга эришишда ҳамда минтақад тинчлик ва барқарорлик мустақкамлашига хизмат қилишини қайд этди.

“Биз, депутатлар парламентларо ҳамкорликни янада кенгайтиришга, қонун ижодкорлиги, парламент назорати фаолияти борасида тажрибалар алмашинувини янада ривожлантиришига ҳаммиша тайёригимиз”, деди депутат.

### «Миллий тикланиш» ДП



Яқинда Қонунчилик палатаси мажлисида қишлоқ хўжалигидаги етарли иқтисодий ижарага бериш тартибини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинган эди. Мунозара жараёнида “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси **Ғайрат Сафаров** лойиҳадаги айрим нормаларга қарши эканлигини маълум қилди.

“Қонун лойиҳасида йўл четиди ва коллектор-дренаж атрофидаги ерларни 10 йилгача муддатга иккиламчи ижарага бериш руҳсат этилаётган нормани қайта кўриб чиқиш зарур. Коллектор-дренажларга ҳар икки йилда бир марта механик ҳолатда ишлов бериб туриш керак. Агар у жойлар ижарага берилмаган бўлса, фойда олишни қўзлаб ижарага олган шахс ернинг техник ва мелиоратив ҳолатига етарли эътибор қаратмаслиги мумкин. Шу боис ушбу норма қабул қилинишига концептуал жиҳатдан қаршиман”, деди депутат.

### «Адолат» СДП



“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси муҳокамасида депутатлар корпуси фаол иштирок этиб, бир қатор тақлифларни илгари сурмоқда.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси **Иномжон Қудратов** сиёсий партияларни молилаштиришга оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш масаласига эътибор қаратди.

“Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиядан сайланган депутатлар бошқа лавозимга ўтказилиши натижасида фракция аъзоларининг сони қисқариши табиий. Амалдаги қонунчиликимизда фракция аъзоларининг сони қайта партиядан ажратилганга маблағларнинг қисқаришига сабаб бўлади. Бу мезгилдан воз кечиш керак. Зотан, партиядан сайланган депутатларнинг раҳбарлик лавозимларига тайинланишидан партия ҳам моддий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлиши лозим”, деди депутат.

### ЎЗХДП



Қуйи палатанин яқинда бўлиб ўтган мажлисида депутатлар ўрмон хўжалиги агентлиги директори Низомиддин Бақировнинг “Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахборотини эшитганди.

Муҳокама давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси **Қизилгул Қосимова** чорвачилик билан шуғулланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, айрим тақлифларни билдирганди.

“Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги қарийб 25 минг гектар майдон ўрмон хўжалиги агентлигига ўтказилган ва 2023 йилнинг 15 мартдан бошлаб бу майдонларда чорва молларини боқиб тақиқланган. Маҳаллий аҳоли, асосан, чорвачилик ва боғдорчилик билан даромад топишни ҳисобга олиб, аҳоли пунктларига яқин жойдаги яйловларнинг бўш қисмини аҳолига иккиламчи ижарага бериш масаласини йўлаб кўриш керак. Ўрмон хўжалиги ёки дарахларга зарар етказмаслик шарт билан ҳар бир қорамолнинг сонидан келиб чиқиб, ўзаро шартнома тузиш йўли орқали ижара берилиши йўлга қўйилса, айни муддао бўларди”, деди депутат.

### Ўзбекистон Экологик партияси



“Қизил китоб”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонларнинг муҳофазаси кучайтирилиши назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида ҳайвонлар овланганини қалъачи ёки тақиқловчи нормалар етарли даражада шакллантирилмагани айрим эътирозларга сабаб бўлганди.

Бу бўйича масъул қўмита раиси, Экопартия фракцияси раҳбари **Хайрулло Ғафоров** Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили қабул қилинган тегишли қарориди йўқолиб кетиш ҳавфи остидаги ҳайвонларни табиий муҳитдан ноқонуний равишда ажратиб олиш учун белгиланган жазо чоралари янада кучайтирилганини, шу боис қонун лойиҳасини тақдим этган вазирлик ушбу нормаларни қонунда акс эттирмаслик ҳулосасига келганини маълум қилди.

“Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаб берган тақдирда уни иккинчи ўқишга тайёрлашда билдирилган тақлифлар асосида тақомиллаштиришимиз”, деди қўмита раиси.

## ОМБУДСМАННИНГ ЎТГАН ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Депутатлар Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти якунлари бўйича тақдим этилган ҳисоботни тинглар экан қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қиматини камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган мониторинглар сони ва сифати ўсиб бораётганини алоҳида эътироф этдилар. Чунки қийноқларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш мақсадида Омбудсман ва Жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган масканларга 603 маротаба мониторинг ташрифлари амалга оширилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Ф. Эшматованин айтишича, Омбудсман томонидан нафақат ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган масканлардаги шахсларга руҳий, психологик, жисмоний ёки бошқа тарзда босим ўтказилгани тўғрисидаги шикоятлар, балки ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган хабарлар ҳам назоратга олинди, мунтазам равишда ўрганиб борилган. Масалан, ижтимоий тармоқларда тарқалган 15 та шу каби хабарлар ўрганилиб 17 маротаба Омбудсман муносабати билдирилган бўлса, ушбу масала бўйича мутасадди вазирлик ва идораларга 4 та тақдирнома ва 10 та талабнома киритилган.

Қўмита аъзолари 2023 йилда Омбудсман фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатларини ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида амалга оширилган ишлар, бу йўналиш бўйича келиб тушган 3586 та муурожаатнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилганини алоҳида қайд этдилар. Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қийноқ ҳолатларининг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг ва ҳуқуқий таҳлил ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича фаолияти ижобий баҳоланди.

Қизгин муҳокама давомида депутатлар томонидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, депутат Қодир Жўраев чет элларда, жумладан, Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Ўзбекистон ва Россия омбудсманлари ўртасида ҳамкорлик қий даражада йўлга қўйилгани билан қизиқди.

Ф. Эшматова ўз жавобида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил 2023 йилда Россияга ташриф буюриб у ерда яшаётган юрдошларимиз билан учрашгани, уларнинг яшаш шароитлари ва муаммоларини ўрганигани маълум қилди. Икки давлат ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиб, муурожаатларни биргаликда кўриб чиқиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганини қайд этди.

Депутат Мавжуда Ҳасанова эса Омбудсман томонидан 2023 йилги “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилгани билан қизиқиб, ҳисобот йилида фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар сони ортганига изох сўради.

Омбудсман томонидан ўтган йилги давлат дастури асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши тўғрисидаги муурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилгани, муурожаатлар сонининг ошгани эса фуқароларнинг Омбудсман институтига ишончи ортиб бораётганидан далолат эканини қайд этди.

Муҳокама давомида Омбудсман фаолиятини янада тақомиллаштириш, фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституция билан қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, ушбу соҳада ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари давомида фуқаролардан келиб тушаётган муурожаатлар юзасидан Омбудсманнинг минтақавий вакиллари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш, Халқ қабулхоналари билан биргаликда мунтазам иш олиб бориш, муурожаатлар энг кўп тушган туманларда сектор раҳбарлари билан учрашувлар ташкил этиш, муурожаатларнинг сабаблари билан қизиқиб лозимлиги таъкидланди.

Йилиги якунида кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанин тегишли қарори қабул қилинди.

**“Халқ сўзи”.**

## Семинар

### Илм-фан ривожиди хотин-қизларнинг ўрни

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетиди “Ўзбек илм-фан ривожиди хотин-қизларнинг ўрни, аъналар ва тажрибалар” мавзусида республика семинари ташкил этилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2023 йил 21 декабрда қабул қилинган “Оилаларни мустақкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича кўшма чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўтказилган анжуманда хотин-қизлар қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш ва бандлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда юртимизда опа-сингилларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг барча жабҳада фаоллигини оширишга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Натижада хотин-қизлар, бошқа соҳаларда бўлганидек, илм-фан йўналишида ҳам ўзларини намоён этмоқдалар. Илмий фаолият билан шуғулланаётган аёллар сони ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўз навбатида, тадбирда олимпиадаларнинг жамаият ривожидидаги ўрнини янада юксалтириш ва бунинг учун кўпроқ шарт-шароит яратиш кераклигига ҳам ургу берилди.

**Зилола ХОЛТУРАЕВА,** Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллигинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Кўнун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тадбиркорлик субъектларига улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб тегишли солиқларни муайян муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши, шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиги пайсаятирилган солиқ ставкалари бўйича тўланишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Кодексда кўзда тутилган қўшилган қиймат, фойда солиги ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигиндан ташқари барча солиқларни улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда. Жумладан:

- 51 тадан 100 гача янги иш ўрни яратилганда — уч ойгача;
  - 101 тадан 200 гача янги иш ўрни яратилганда — олти ойгача;
  - 200 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ўн икки ойгача, этиб ифодаланди.
- Шунингдек, “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларни ишга қабул қилган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этган юридик шахсларга мол-мулк солиги ва ер солигиндан имтиёз берилмоқда. Бунда солиқ имтиёзи миқдори, тадбиркорлик субъектлари томонидан янги иш ўринлари сонидан келиб чиқиб, қўйидаги миқдорларда белгиланади:

- 51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи;
- 101 дан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 75 фоизи;
- 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилганда эса — ушбу солиқларни тўлашдан озод этилади.

Қорхона ишга қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларга камида 1 йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган иш ҳақини тўлаб, бандлигини таъминлаши керак.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қўнун аҳоли бандлигининг ўсишига, камбағалликни қисқартиришга ҳамда кам таъминланган оилалар аъзоларини ишга қабул қилишда тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микроолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун кўриб чиқилди.

Қўнун билан Фуқаролик кодексига ва “Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қўнунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Фуқаролик кодексига киритилаётган қўшимчаларга асосан аҳоли ва тадбиркорларга ажратилган микроқарз ёки кре-

дит бўйича амалга оширилган тўлов суммаси, агар қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаса, қарз олувчининг қарзи белгиланган тартибда ундирилади.

Энг аввало, асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фойз тўловлари мутаносиб равишда узилади. Сўнгра жорий давр учун ҳисобланган фойзлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик сўндирилади. Учинчи навбатда неустойка (жарима, пеня)лар ва кейинги навбатда кредиторнинг қарздорлиқни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари ундирилади.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодексига кредит бўйича қарздорлиқни ва ҳисобланган фойзларни ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда мазкур кредит бўйича фойзлар, шунингдек, неустойка ҳисоблангани тўхтатилишига оид ўзгаришлар ва қўшимча киритилмоқда.

Бундан ташқари, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қўнунга ҳам ўзгаришлар киритилаётган бўлиб, унга кўра жисмоний шахс бўлган қарз олувчига ажратиладиган микроқарз миқдори 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмга оширилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қўнун аҳоли ва тадбиркорларга микроқарз ёки кредит олиб фойдаланиш жараёнларини кенгайтиришга, улар томонидан кредитларни қайтариш қобилияти яхшиланишига замин яратади. Шунингдек, аҳолини ва тадбиркорларнинг молиявий маблағлар ҳамда хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондир-ти билан бирга уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишга ва ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Қизғин муҳокамадордан сўнг сенаторлар ушбу қўнуннинг долзарблиги ва зарурлигини эътиборга олиб, уни маъқулладилар.

Шунингдек, ялпи мажлисда сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қўнун кўриб чиқилди.

Таъкидлаганидек, ёнги қўнуннинг олдини олиш соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарама-қарши аҳолининг маъмурий ҳаётида ва ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятида ёнги қўнун билан боғлиқ оғир оқибатли нохуш ҳодисалар рўй бермоқда. Жумладан, 2023 йилда 10 204 та ёнги ҳодиса содир бўлиб, унда 251 нафар фуқаро жабрланган, шундан 79 нафари вафот этган, жисмоний ва юридик шахсларга эса 270,4 миллиард сўмлик зарар етказилган.

Қўнун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ўрмонларда ёнги хавфсизлиги талабларини бузиш, агар ёнги чиқишига олиб келган бўлса, маъмурий жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда. Бунда маъмурий ҳўқуқбузарлик содир этган шахс ҳўқуқбузарлик 38-моддасига мувофиқ маъмурий ҳўқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплашдан озод этилмади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар киритилиб, ёнги хавфсизлиги қондаларини бузган ҳўқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган жазо санкцияларини ошириш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, ёнги хавфсизлиги қондаларини бузганлиги туфайли уй-жой фондида одамларнинг соғлиғига зарар еттиши ёхуд ўзгача мол-мулкни шикастланиши ёки унинг йўқ қилиниши билан боғлиқ бўлмаган тарзда ёнги содир бўлганда мазкур шахс ёнги хавфсизлиги қондаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилмоқда.



Абдуғулимов ТўйиРов олган сурат.

Сенаторлар қўнуннинг маъқулланиши мамлакатимизда ёнги хавфсизлиги билан боғлиқ содир бўлиши мўмкин бўлган ҳўқуқбузарликларнинг олди олинишига, шунингдек, уй-жой фондида ўз хонадонида ёнги хавфсизлиги қондаларини бузилиши оқибатида рўй берган ёнги қарз юзасидан ҳўқуқбузар деб топилган фуқароларнинг инсонпарварлик тамойили асосида ижтимоий ҳимоясини таъминлашга хизмат қилиши таъкидлаб ўтидилар.

Муҳокамадордан сўнг қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кўчайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун муҳокама қилинди.

Таъкидлаганидек, мамлакатимизда кексаларни ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчайтиришга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, пенсия тайинлаш тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда ва рақамлаштирилмоқда, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилиб, пенсия таъминоти тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифати тубдан яхшиланимоқда.

Шу билан бирга, фуқароларга пенсия тайинлашда инсон омилини камайтириш, кексаларга, ноғиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш талаб этилмоқда. Ушбу қўнун билан “Ижара тўғриси-

да”ги Қўнунга ижарачининг ноғирон бўлиб қолганлиги ижара шартномасини тугатиш учун асос бўлишини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қўнунда пенсионерга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини тўлаш муддатини ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтириш назарда тутилмоқда.

Қўнунда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оз бўлмашлигини белгилаш,

пенсиялар миқдорларини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражасининг ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда ошириш бориш тартиби, шунингдек, маҳумларнинг озодлиқни давлат қилинган даврда амалга оширган фаолияти даврини пенсия олиш ҳўқуқини берадиган фаолият тури сифатида ҳисобга олишга доир талаб ҳам белгиланмоқда.

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг жамғириб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қўнунга фуқарода давлат пенсия таъминоти ҳўқуқи юзасига келганлиги тўғрисида Пенсия жамғириш томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган маълумотлар фуқаронинг пенсия тўловларини олиши учун асос бўлишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қўнун Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат принципини амалга оширишга қаратилган бўлиб, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга, фуқароларнинг электрон давлат хизматларини мустақил равишда олиш имкониятларини кенгайтиришга, пенсия миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилишда инфляция даражасини ҳисобга олиш тизимини жорий этишга, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларига оид ҳўқуқларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида мазкур қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола

ҳўқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибудсмани) тўғрисида”ги қўнунни кўриб чиқдилар.

Ҳўжжат билан Бола ҳўқуқлари бўйича вакил фаолиятининг қўнунийлик, мустақиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, камситишга йўл қўймашлик, ҳолислик, очликлик ва бола ҳўқуқларининг устуворлиги каби асосий принциплари белгиланмоқда.

Бола ҳўқуқлари бўйича вакил лавозимига сайланиш кўни йигирма беш ёшга тўлган ва камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўмкин яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси

га қўмақлашиши, боланинг манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш юзасидан мутасаддиларга тегишли тақлифлар киритиб бориши ҳам назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тергов ҳўбсхоналарида ва тарбия колонияларида турган болалар ёзма шаклдаги муурожаатларини Бола ҳўқуқлари бўйича вакилга юбориши мўмкинлиги белгиланмоқда.

Сенаторлар ушбу қўнуннинг қабул қилиниши боланинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида Болалар оғибудсманининг давлат ташкилотлари, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги кўчайишига, боланинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳўқуқларининг таъминланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида қўнунни маъқуллаш ҳақида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли Конвенциясини (Женева, 1949 йил 1 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги қўнун ҳам кўриб чиқилди.

Конвенция иш бериувчилар томонидан пул шаклида иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлашга қаратилган. Конвенция қондалари иш ҳақи тўланадиган ёки тўланиши лозим бўлган барча шахсларга нисбатан қўлланилади. Конвенция иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаси ва ишчилар тоифаларига татбиқ этилади.

Муҳокама давомида Конвенцияда иш ҳақини қарз мажбуриятлари, тилхат, купон ёки бошқа шаклда, шунингдек, таркибда алкоголь миқдори юқори бўлган спиртли ичимликлар, организм учун зарarli гўбхавфли моддаларни кўришида тўлаш тақиқлангани таъкидланди.

Сенаторлар Конвенция нормаларини Ўзбекистон қўнунчилигига, шунингдек, Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келишини қайд этидилар.

Муҳокама чоғида Конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнатқашлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча қарорлар яратишга имкон бериши, меҳнати муҳофаза қилиш миллий тизимини янада такомиллаштиришга салмоқли туртки бериши айтиб ўтилди.

Ушбу Конвенция жаҳоннинг 99 та давлати томонидан ратификация қилинган. Сенаторлар Конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнат соҳасидаги миллий қўнунчиликни такомиллаштириш ва халқаро меҳнат стандартларини самарали жорий этишни таъминлашга хизмат қилишини, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳодимлар ҳўқуқлари қабул қилиниши ва стандартларга содиқлигини кўрсатишини алоҳида таъкидладилар.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллигинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кўни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати

Ахборот хизмати

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг эллигинчи ялпи мажлисининг биринчи кўни давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичи учун долзарб бўлган қатор қўнунлар ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва бугунги кўндаги аҳамияти хусусида сенаторлар муҳиримизга қўйидагиларни гапириб берди.

### Муносабат

#### Янги иш ўринлари очган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилади

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси:

— Қаерда тадбиркорлик ривожланса, ўша ерда фаровонлик кузатилади ва энг муҳими, камбағаллар сони сезиларли даражада қисқаради. Агар бу саъй-ҳаракатлар ҳукумат даражасида қўллаб-қувватлаб турилса, натижалар янада салмоқли бўлиши ўз-ўзидан тушунарли.

Гап шундаки, кейинги йилларда мамлакатимизда солиқ имтиёзлари ва преференциялар, хусусан, солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш, пайсаятирилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали тадбиркорлик субъектларини камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларга йўналтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган билан эътиборга молик.

Қўнун билан Солиқ кодексига тадбиркорлик субъектларига улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб тегишли солиқларни муайян муддатларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши, юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинadиган ер солиги пайсаятирилган солиқ ставкалари бўйича тўланишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, кодексда кўзда

тутилган қўшилган қиймат, фойда солиги ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигиндан ташқари барча солиқларни улар яратган янги иш ўринлари сонига қараб бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади.

Бундан ташқари, “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларни ишга қабул қилган, улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этган юридик шахсларга мол-мулк солиги ва ер солигиндан имтиёз берилади.

Кўришиб турибдики, бу қўнун ҳам тадбиркорликни ривожлантиришда, ҳам камбағалликни қисқартиришда муҳим ўрин тутаяди.

#### Бола ҳўқуқ ва манфаатлари ҳимояси кўчайтирилади

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар доирасида болалар ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун зарур шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳим ўрин тутаяди. Бугунги кўнда келиб нафақат болалар мажбурий меҳнати бартараф этилди, аynи чоғда келажагимиз эгалари ўзини ҳар жабҳада намойён қилиши учун зарур қўлайликлар яратилди. Бунга жавобан улар илм-фанда, спортда, умуман, барча йўналишда катта ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳўқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибудсмани) тўғрисида”ги қўнун шу

йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу ҳўжжат билан Бола ҳўқуқлари бўйича вакил фаолиятининг қўнунийлик, мустақиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, камситишга йўл қўймашлик, ҳолислик, очликлик ва бола ҳўқуқлари устуворлиги каби асосий принциплари белгиланмоқда.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кўчайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун муҳокама қилинди.

Таъкидлаганидек, мамлакатимизда кексаларни ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчайтиришга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, пенсия тайинлаш тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда ва рақамлаштирилмоқда, ортиқча бюрократик тўсиқлар бартараф этилиб, пенсия таъминоти тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифати тубдан яхшиланимоқда.

Шу билан бирга, фуқароларга пенсия тайинлашда инсон омилини камайтириш, кексаларга, ноғиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада ошириш талаб этилмоқда.

Ушбу қўнун билан “Ижара тўғрисида”ги Қўнунга ижарачининг ноғирон бўлиб қолганлиги ижара шартномасини тугатиш учун асос бўлишини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қўнунда пенсионерга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини тўлаш муддатини ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтириш назарда тутилмоқда.

Қўнунда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оз бўлмашлигини белгилаш,

пенсиялар миқдорларини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражасининг ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда ошириш бориш тартиби, шунингдек, маҳумларнинг озодлиқни давлат қилинган даврда амалга оширган фаолияти даврини пенсия олиш ҳўқуқини берадиган фаолият тури сифатида ҳисобга олишга доир талаб ҳам белгиланмоқда.

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг жамғириб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қўнунга фуқарода давлат пенсия таъминоти ҳўқуқи юзасига келганлиги тўғрисида Пенсия жамғириш томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган маълумотлар фуқаронинг пенсия тўловларини олиши учун асос бўлишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қўнун Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат принципини амалга оширишга қаратилган бўлиб, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга, фуқароларнинг электрон давлат хизматларини мустақил равишда олиш имкониятларини кенгайтиришга, пенсия миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилишда инфляция даражасини ҳисобга олиш тизимини жорий этишга, ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларига оид ҳўқуқларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида мазкур қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола

ҳўқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибудсмани) тўғрисида”ги қўнунни кўриб чиқдилар.

Ҳўжжат билан Бола ҳўқуқлари бўйича вакил фаолиятининг қўнунийлик, мустақиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, камситишга йўл қўймашлик, ҳолислик, очликлик ва бола ҳўқуқларининг устуворлиги каби асосий принциплари белгиланмоқда.

Бола ҳўқуқлари бўйича вакил лавозимига сайланиш кўни йигирма беш ёшга тўлган ва камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўмкин яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси

га қўмақлашиши, боланинг манфаатларини таъминлашга қаратилган нормаларни қабул қилиш юзасидан мутасаддиларга тегишли тақлифлар киритиб бориши ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тергов ҳўбсхоналарида ва тарбия колонияларида турган болалар ёзма шаклдаги муурожаатларини Бола ҳўқуқлари бўйича вакилга юбориши мўмкинлиги белгиланмоқда.

Сенаторлар ушбу қўнуннинг қабул қилиниши боланинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида Болалар оғибудсманининг давлат ташкилотлари, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги кўчайишига, боланинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳўқуқларининг таъминланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида қўнунни маъқуллаш ҳақида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Халқаро меҳнат ташкилотининг Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли Конвенциясини (Женева, 1949 йил 1 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги қўнун ҳам кўриб чиқилди.

Конвенция иш бериувчилар томонидан пул шаклида иш ҳақи ўз вақтида тўл



# ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ УЛУҒ СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

1 — Бугунги байрам мамлакатимизда кейинги йилларда маданият, адабиёт ва санъат ривожига қаратилган эътиборнинг яққол намунаси, — деди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори Жаббор Эшонкулов. — Бугун улғу шоир бобомиз сўзларининг сеҳри, мислсиз қудрати Адиблар хиббониди барчамизни бирлаштириб турди, десак, муболага эмас. Музейимиз томонидан навоий-шунослар иштирокида мутафаккирнинг "Муншаот", "Муҳокамат ул-луғатайн", Истанбулда туркиялик олимлар билан ҳамкорликда "Бадоёе ул-бидо" асарларининг таълиди, факсимил нашлари тайёрланди.

Рамзий ўз дил сўзларини изхор қилди. Унда сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодиёти, шахсияти, ғазалларида тинчлик ва дўстлик гоёларининг тараннум этилиши, шоирнинг Эрондаги қўлмалари ҳамда ушбу мамлакатда ҳазрат Навоий барпо эттирган меъморий обидалар ҳақида сўз борди.

Анжуманда буюк мутафаккир асарларидан намуналар тингланди. Шоир ижоди ва ҳаётига бағишловлар ўқиб берилди. Тошкент давлат шарқшунослик университетида таълим олаётган хорижлик талабалар Алишер Навоий ғазалу рубоийларидан намуналар ўқиб бергани ҳам даврага ўзгача шуқу бағишланди.

Улғу шоир ғазалларига бастанган куй-қўшиқлар ижро этилди. Кенг жамоатчилик иштирокида Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш ма-

росими ўтказилиб, шоир сиймосига эҳтиром кўрсатилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Одил Абдурахмонов иштирок этди.

Шоир таваллудига бағишланган тадбирлар пойтахтнинг Навоий кўчасидаги Шоирлар хиббониди, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида туташ майдондаги аллома ҳайкали пойида ҳам бўлиб ўтди.

Маърифий-бадий тадбирлар, шеъронлик, ғазалонлик кечалари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида таълим масканларида, боғ ва хиббонларда, маҳалларда давом этмоқда.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

## Талқин

# Адоват мазаммати

Алишер Навоий ижодкорлик ва арбоблик фазилатларини ўзида бирлаштира олган ноёб шахслардан эди. Мутафаккир "Сади Исқандарий" дostonида ўз даври нуктаи назаридан сиёсий қарашларини ҳам ифодалаган ва бу орқали давлат мустақамлиги, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини кўзлаганди. Ҳазрат Навоий жамият барқарорлиги учун зарур деб билган ушбу масалалар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Жумладан, дostonда икки номдор подшоҳлар — Исқандар ва Доро муҳолифатининг тафсилотлари ўз аксини топган. Муаллиф бу бодда мазкур зиддият баҳонасида муҳолифат — келишмовчилик, адовати жиддий қоралайди. Суратдан бохабар муҳиятдан беҳабар кимсалар ўзаро адоват қилиши, улар дунёни танганлариди унга интилмас, аксинча, қочар эдилар, деб таъкидлайди. Аслини олганда, адоват маънидан гофил кимсаларнинг беҳуда ишлари, холос:

Жаҳон аҳлида йўқ вафо, эй рафиқ,  
Эрур рифқ алардин жудо, эй рафиқ!  
Адоват била киндур ойнлари,  
Туғанмас адоват била кинлари.

Алишер Навоийнинг фикрича, дунёда қанча тоифа бўлса, уларнинг ҳаммасида ҳам адоватга майл мавжуд. Одамларда қачон ҳамкорлик бошланса, унинг душмани, албатта, касбдоши бўлади. Бир киши бирор фанда моҳир бўлса, у ҳақда гап-сўз кўпаяди, бу эса, табиийки, у билан касбдошлари ўртасига адоват туширади:

Бўлур кин икковнинг тушою кун,  
Тилар бўлмағай — бу ани, ул муни.

Шоирнинг таъкидлашича, бу ҳол давлат хизматчилиги орасида кўпроқ содир бўлади, чунки амир бўлганлари ноийблик илинжида изтироҳ чекади, туманбошилар амирлик учун интилади, қушбегилар эса туманбошлик пайида бўлади. Тепадан қўйига қадар мана шу илинжда бир-бирдан ўзиш учун курашадилар, натижада орада гинаю нифоқ юзага келади.

Хусуматнинг зиёни шу қадар кўп ва ёмонки, ўзидан ташқари яна кўплаг одамларга зарар бериши мумкин. Айниқса, ўрта табақанинг низо си қучли бўлади. Бироқ кишилар, шахслар келишмовчилиги хонумонни, подшоҳлар келишмовчилиги эса бутун жаҳонни хароб қилади. Шоҳлар ўртасидаги моҳоро бало денгинининг чайқалиши бўлиб, бундай вазиятда бутун халқ суви остида қолди, деб тасаввур қилавер. Уруш — ғам-андўх селиди! Ноахилчилик туфайли хонадорлар бузилади, халқ саргардон бўлади ва отаю ўғил, қавм-қариндош ёвлашади. Алишер Навоийнинг фикрича, олийжаноб инсонларнинг дўстлиги энг яхши ишдир:

Рафиқ ики дарвеш, бештибоҳ,  
Эрур яхшироқким, адов ики шоҳ!

Бобга илова қилинган ҳикоятда Чингизнинг Хоразмшоҳни энгиб, унинг юртини остин-устун қилиб ташлагани, халққа қатли он эълон қилгани, лекин икки вафодор дўстнинг бир-бирига садоқати туфайли қатли омининг бекор қилиниши воқеасининг келтирилиши ҳам айнан жоқоридаги хулосаларни тасдиқлайди.

Ҳазрат Навоий шу ўринда икки ҳукмдор қўлларидан келгунча дунёни бузганлар, икки дўст эса уларнинг муллоқо акси эканини айтиб оҳорли муқоссалар келтиради. Улар дунё учун тиг кўтариб қон кечсалар, булар ҳеч вақосиз ҳолда, бору йўғи бўлган жонини ҳам бир-бирига бағишлашни тилайди. Бирлари дунё ҳавасида унинг ортидан чопса, бирлари дунёга боғлиқ, ҳамма нарсадан, ҳатто жонларидан ҳам кечиша тайёр. Аслида, бу ерда ҳам ҳиммат масаласи бор. Икки садоқатли дўст туфайли халққа омонлик берилиши, меҳр-оқибатли, ҳақиқатни танган инсонлар туфайли дунёга саодат етиши, ҳаёт барқарорлигига ишора ҳамдир.

Ақл низо си рад этади, аммо халққа беҳуда зиён келтирса, унга қарши курашиш керак. Алишер Навоий тасвирлаган бу қоидалар ҳануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Буюк маърифатпарвар шоиримиз ижодининг мазкур жабдаларини ўқиб-ўрганиш эса ҳаммиша инсониятни эзгуликка чорлайди, жамият барқарорлигига хизмат қилади, албатта.

Илбс ИСМОИЛОВ, филология фанлари доктори.

## РЕКЛАМА

**JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI**

**quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:**

Ingliz tili kafedrası dotsenti, katta o'qituvchisi, o'qituvchisi;

Roman-german tillari kafedrası katta o'qituvchisi (ispan tili), o'qituvchisi (ispan tili);

Sharq tillari kafedrası dotsenti (xitoy tili), o'qituvchisi (koreys tili), o'qituvchisi (hind tili);

O'zbek va rus tillari kafedrası dotsenti (o'zbek tili), katta o'qituvchisi (rus tili);

Siyosatshunoslik kafedrası dotsenti;

Xalqaro moliya va investitsiyalar kafedrası professori.

**Hujjatlar (ariza, fotosuratli shaxsiy varaqa, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja va unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati) ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Toshkent shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 54-uy (e-mail: kadrlar\_bulimi@uwed.uz, telefon: 71-267-65-40, manzilida qabul qilinadi.**

Тошкент молия институтини ректорати ва касба уюшмаси институтининг Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Комал Махмудова отаси **САМАД МАХМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

# «Умр ўтар елдек, ўзингни шод тут...»

## Тадбир

### Ўқувчилар Навоий ғазалларини таъдил қилишни ҳам ўрганишяпти

Мир Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги муносабати билан Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабиди уюштирилган байрам тадбирида мазкур таълим муассасасининг бир гуруҳ ўқувчилари улғу шоиримиз ғазалларига бастанган қўшиқларни Сирдарё вилояти мақом ансамбли санъаткорлари билан бирга ижро этди.

Гап шундаки, ушбу мактабда кўплаг ижодий тўғарақлар бўлиб, ўқувчилар уларда санъатнинг мусика, актёрлик, созандалик, рақс каби йўналишлари бўйича соҳанинг профессионал ва таниқли вакиллари билан сабоқ олади.

— Алишер Навоий асарлари теран фалсафий фикрлар, гўзал ташбеҳлар жамламасидир, — дейди ижод мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси Моҳидил Зияева. — Шу боис ўқувчиларимизнинг буюк шоир ижодини янада чуқур ўқиб-ўрганишларида мақом санъати муҳим аҳамиятга эга. Мутафаккир бежиз "Кўнғил қуввати — хушнавоздин, руҳ озиги — хушвоваздин" дея лутф этмаган.

Умуман, мактабимизда буюк шоиримиз ҳаёти ва ижоди мавзусидаги сабоқлар доимий бўлиб, инчунин бунда назм ҳамда наво шаклидаги нафосат машғулотларининг

самараси катта. Асосийси, ўқувчиларимиз ғазалларни шунчаки эмас, мазмун-моҳиятини чуқур тушунган ҳолда ёд олмақда. Ва бунда Навоий асарларининг луғатидан фойдаланилдяпти. Натижада ўзлари ҳам ғазалу байтларни мазмунан таъдил ва таҳлил қилишни ўрганмоқда. Бу борада навоийшунос олимлар ҳам тақлиф этилиб, улар томонидан маҳорат дарслари ўтилмоқда.

Эътиборлиси, бугун Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабига йўлнингиз тушса, сизни ўқувчи ва ўқитувчилар "Ассалому алайкум, байрамингиз муборак бўлсин!" деб қарши олишади. Яъни бутун халқимиз каби мазкур таълим маскани жамоаси ва ўқувчилари ҳам улғу шоиримизнинг кутлуг таваллуд санасини ана шундай байрамона шодёналик билан нишонламоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

## Мушоҳада

Вақтнинг ўтишига бундай муносабат, албатта, кечаятган умрга назар ташлашга, унинг ғаниматлигини англашга, таҳлил қилишга, ўтаётган кунлардан мазмун топишга ундайди. Ҳазрат Навоий томонидан вақтнинг бундай — кенг кўламда идрок этилиши шеърларида, дostonларида ёшлик ва кексалик даврлари таносуби ҳамда тазодини қўллашни тақозо этган. Зеро, ушбу ифода воситалари, бир томондан, дунё, борлик, тириклик билан уйғунлики, иккинчи томондан, инсон борлиғидаги, руҳиятидаги ва унинг ўзидан ташқаридаги воқеликлар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган зиддиятларни, курашни акс эттиришга имкон беради.

«Умр фусулининг киши» деб таърифлайди Алишер Навоий кексалик даврини. Баҳорга менгазладиган болаликдан бошланган инсон умри шоир идрокда, тасаввур тахайюлида ўз ёзини, хаозонлик даврини кечиради ва пайти етиб кишга юзланади. Ушбу манзара «Ҳазойин ул-маоний» девонлари таъриф таснифида маромига етган.

Кексалик мавзунининг бадий асарларда тез-тез тилга олиниши, биринчи навбатда, насихат қилиш, иб-

робар ҳаёт кечирганда ҳам табиий умрнинг ўзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, дейди шоир:

Умри табиий кишига бўлса қом,  
Истар ўлуб, ҳар сори қилгай широм.  
Умри табиий дема, сар умри Нух,  
Бор эса, тавфиқдин ўлмай футуҳ.  
Умр неким, андин ўлму яхшироқ.  
Умр неким, андин ўлму яхшироқ.

Бу мавзу гоҳ умрнинг елдек ўтиб кетиши, унинг ўткинчилиги афсус билан тасвирланган мисраларда, гоҳ насихатоман байтларда, гоҳ кексалик ва йигитлики, умуман, кексалик ва ёшликини бир-бирига қарама-қарши қўйган ошиқона ғазалларда ҳазрат Навоий ҳасратларини ҳасби холдек тушунтиришга имкон беради. Китобхонни кексаликнинг табиий маънодаги қийинчиликларини назик хис қилишга ўргатади. Шоир девонларидаги «йигит» радифи ўнга яқин ғазаллари ёшлик тараннуми, кексаликни қадрлаш, дея баҳолаш мумкин.

Вақтнинг ғаниматлигини бадий талқин этган ҳазрат Навоийнинг ўзи кексалик даврида катта асарлар яратишга муваффақ бўлди. Шоир умрнинг охириги йилларида ёзган асарлари орасида «Лисон ул-таир» ва «Маҳбуб ул-қулб»нинг алоҳида ўрни бор. Бир умрлик ҳаёт таърибасининг фалсафий умумлашмалари ва ихтимоий қарашларнинг хулосалари деб баҳолаш мумкин бўлган бу икки асар Алишер Навоий шахсининг буюклигини яна бир бор намоиш этади.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА, филология фанлари номзоди, доцент.

# БЕОЗОР ҲАЗИЛ ВА СОДДАЛИК

Алишер Навоийнинг ҳаёти, дўстлари ва ҳамсуҳбатлари орасида ўтган ҳазил-мутойибалар ҳақида қатор тарихий манбаларда, хусусан, улғу мутафаккирнинг асарларида ҳам биткилар бор. Паҳлавон Муҳаммад ҳазрат Навоийнинг яқин дўсти, узоқ йиллик қадрдони эди. Улғу шоир у ҳақда «Холоти Паҳлавон Муҳаммад» асарини ёзган.

Куйидаги ҳикоя ҳам ўша асардан бугунги тилимизга таъдил қилинган ҳолда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

## Воқеа

«...Алқисса, Паҳлавоннинг турли хил яхши амаллари, сийрат ва суваратининг дилқашлигини шарҳлашга сўз усталарининг ҳам тили оқизлик қилади. Қирқ йил давомида у каминанинг жондек дўсти, ҳамсуҳбати, сирдоши бўлиб келди. Энг оғир дамларидан то ёруғ кунларимизга қадар ёнимда бўлди. Биз иккаламиз не-не кўчаларда юрмадик, шу тариха дилқаш инсонлар даврасидан ўрин олдик. Унинг дўстлиги, самимиёлигини на айтиб, на ёзиб адо қила оламан.

Тасаввур қилинг, (Паҳлавон Муҳаммад) мендек ўзбошимча, дарвиштабат, турмуши паршон бир кимса билан қирқ йил ҳамроҳ бўлганига қарамай, бирор марта бўлсин, дилимни ранжитгани, сал бўлса-да, кўнглимга ғубор кўндирганини эслолмайман. Аксинча, ўтган йиллар давомида дўстлигимиз қалинлашиб, садоқат ришталари мустаҳкамлиб борди...

Унинг эҳну заковати, лафофати, қувваи ҳофизаси ўткирлиги, ҳазилқашлиги ҳақида бир-икки оғиз тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. Султон Абусаид мирзо

замонида Хуросон аҳли Самарқандга тобе эди... Камина муҳтожлик, бошимга тушган мусибатлар, тақдир ва ранж-аламлар сабабли Маъшадга равона бўлдим. Шу ерда мафосил (бўғимларнинг зирқираб оғриши) касалига чалиндим ва бир кунда ётиб қолдим. Уша пайтда Паҳлавон Муҳаммад ҳам Маъшадда хизмат қиларди. Аҳолимдан хабар топганч, то оёққа туриб кетгунимча ҳар кун ёнимга ҳол сўрагани келиб, менга дўстона ғамхўрлик кўрсатди. Уша кезлари анча доврўқ қозонган, раҳматли Абдусалом Шерозий исми бир ҳақим мени даволади. Табиблар одатда беморни даволаб оёққа тургизганларидан кейин тери остида қолиб кетган хиллар, зарарли моддаларни тарқатиб юбориш учун далк (массаж) олишни буюришади. Ҳақим менга ҳам шуни тавсия қилди.

Паҳлавон Муҳаммад ҳам табобатдан бирмунча хабардор, хусусан, далк борасида ҳам унга етадигани йўқ эди. Паҳлавон меҳрибонлик ва шафқат юзасидан ҳар кун кунбамага келиб, ўзи мени муолажа қила бошлади. Уша кунларда эрталаб битта ғазал ёзгандим. Унинг биринчи байти куйидагича:

Ҳар қаён боқсам, юзумга  
ул кўёидин нур эрур,  
Ҳар сори қилсам назар,  
ул ой манга манзур эрур.

Етти байтли бу ғазални оққа кўчирган, қоғозни буқлаб, чўнтагимга солиб кўйгандим. Хали уни ҳеч кимга кўрсатмаган, бирова ўқиб бермагандим. Паҳлавон белгиланган вақтда келиб, кийимимни ечиб, елкаларимни уқалай туриб, гап бошлади:

— Айтишларича, сен туркий тилда ва ранж-аламлар ёзармишсан. Кўпчилик туркий назм ихлосмандларидан эшитиб юрибман. Сенга бир саволим бор.

— Қанақа саволинг бўлса, сўрайвер, — дедим.

— Шу пайтагача туркий шоирлар битган шеърлардан қай бири энг яхшиси? Уларнинг қай бири сенга кўпроқ ёқди?

— Ҳаммаси яхши, менга ҳаммаси ёқди, — дедим.

— Олифталки ва камтаринликини қўй. Бўладиган гапни гапир, ҳаммаси бирдек яхши бўлавермайдими? Барибир фарқи бор-ку?

— Ҳозир бу борада Мавлоно Лутфийга етадигани йўқ, ул зот туркий сўзнинг подшоҳидирлар.

— Унда Сайид Насимий-чи?

— Негадир эсимга келмабди. Қолаверса, Сайид Насимий шеърини бошқа олам. Унинг шеърлари бошқа кўплаг шоирларнинг ижоди сингари зоҳирий мазмунга эга эмас, балки у ҳақиқий ишқ ҳақида ёзган. Сен мажозий ишқ ҳақида шеър битадиган шоирларни сўрадинг, деб ўйлабман.

— Сайид Насимий шеърини турганида Мавлоно Лутфийни тилга олишинг қизиқ, — дея киноя билан эътироз билдирди Паҳлавон. — Насимий шаклан мажозий ишқ ҳақида ёзгандек кўринса-да, мазмунан ҳақиқат ишқи ҳақида битган. У шундай деб эрталаб ўзим ёзган ғазални сўзма-сўз тартиб билан ўқий бошлади. Ғазал куйидаги байт билан якунланарди:

Ҳар Навоий сиймбарлар  
васлин истаб кўрса ранж,  
Йўқ ажаб, невуңки,  
хом этган киши ранжур эрур.

Фақат Паҳлавон байтдаги «Навоий» сўзини «Насимий»га ўзгартириб ўқиди. Назаримда, байтга Навоийдан кўра Насимий тахаллу си муносиброқдек кўринарди. Мен ҳайрон бўлдим. Секин кийимим устидан чўнтагимни пайпаслаб кўрдим: қоғоз жойида турибди. Ҳайратим янада орди. Бу пайтда Паҳлавон ғазални қайтадан ўқий бошлаган эди. Сабрим чидамай, бу ҳолатнинг сабаби билан қизикдим. У эса сир бой бермади ва ўз сўзига ишонтиришга уринди. У билан баҳсимиз чуқурлаша борди. Ниҳоят:

— Бу шеърни ёдлаганингда қанча бўлди? — деб сўрадим.

— Ўн икки йилча бўлди. Абулқосим Бобур шеърин мажлисларида бу шеър кўп тилга олинарди. Уша пайтлар менга маъқул тушиб, ёдлаб олганман.

Хуллас, уша кун ўтди. Паҳлавон ўз ётоғига кетди. Эртасига яна мендан хабар олиш учун келди. Яна гап бориб кечаги ғазалга тақалди.

Рустам ЖАБОРОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **қотибхона** 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-55.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 587 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 0010-0784

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6